

Саидмуҳаммад Муҳибуллаев,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистранти

КАМОЛИДДИН БАЁЗИЙ ҲАНАФИЙ АСАРИДА МОТУРИДИЙ ВА АШЪАРИЙЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖУЗЪИЙ ФАРҚЛАР

Аллома Камолиддин Баёзий Ҳанафий (1044/1634 йилда Истанбулда туғилиб, 1098/1687 йилда шунга яқин жойда вафот этган) роҳимахуллоҳ ўзининг “Усул ал-мунифа” асарига ёзган “Ишорат ал-маром мин-ибарот ал-Имам Абу Ҳанифа” номли китобида умматнинг фирқага бўлиниши борасидаги ҳадисни шарҳлаш асносида мотуридийлар ва ашъарийлар ўртасидаги қарашларнинг турли хиллиги ва улар нечтагача борганлигини чиройли баён қиладилар, куйида шу асар асосида уларнинг фарқлари асосан нимада бўлгани, бу фарқлар фақат фаръий масалаларда, аслийларда эмаслиги ва булар Исломдаги фирқаланиш қаторига кирмаслигини келтириб ўтамиз.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

“Бани Исроил етмиш икки фирқага бўлиниб кетди, менинг умматим эса етмиш уч фирқага бўлиниб кетади. Уларнинг барчаси дўзахда, фақат катта жамоа бундан мустасно”, дедилар¹.

Баёзий роҳимахуллоҳ бу ҳадисда адашган фирқанинг дўзахга лойиқ бўлишлари, тўғри

¹ Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”, 7/554 – б. Имом Табароний “Ал-кабир”, 8/274 – б.

йўлда бўлган кўп жамоага эргашмай эътиқодлари ёмон бўлгани ҳамда Куръон, ҳадисга амал қилмай яшаганлари учунлигига далил бор, дейдилар.

Бу фирқалар қаторига аҳли сунна вал-жамоа йўлида бўлиб, жузий ақидавий, битъатчилар қаторига қўшилиб қолмайдиган масалаларда бир-бирига ҳилоф бўлган тарфлар адашганларга қаторига қўшилмайди, чунки улар аслий ҳукмларда бир хил қараш эгаларидир.

Баёзий шу ўринда нафақат Абу Мансур Мотуридий ва Абулҳасан Ашъарий балки, жумхур Мотуридий ва Ашъарий уламолари ўртасидаги ақидавий қарашлардаги фарқларни санаб ўтадилар. Бу фарқларнинг баъзисида Абу Мансур Мотуридий ва Абулҳасан Ашъарий раҳимахуллоҳлар бир хил қарашда бўлсалар, уларга эргашган кейинги олимлар бошқа қарашда бўлишлари ҳам кузатилади.

Аллоҳ таоланинг вожиб ва вужуди айни зотида, Имом Ашъарий жумхур ашъарийларага ҳилоф тарзида шу қарашни танлаганлар.

Исм агар у билан далолат қилинмиш ирода қилинаётган бўлса, айнан номланмиш тушинилади, бу сифатлар каби айни ўзи ҳам эмас ўзидан бошқа ҳам эмас, деган нарсаси тақсимланмайди. Исмлар ҳам тақсимланиши ашъарийлардан кўплари ихтиёр қилганлар.

Тоқати етмайдиган нарсаси тақлиф қилиш (яъни, итоатга буюриш) мотуридийлар фикрича жоиз бўлмайди. Улар фикрича, тоқати етмайдиган нарсани бўйнига олиш жоиз. Имом ал-Ашъарий раҳимахуллоҳ фикрларича бу иккиси ҳам жоиз бўлади.

Имом ал-Мотуридий раҳимахуллоҳ айтдиларки, тақлифга тааллуқли ҳукмларнинг айримлари ақл билан билинган бўлади. Чунки, ақл нарсаларнинг яхши ёки ёмонлигини идрок қила олади. Ақл билан имоннинг вожиблигини, неъматга шукр қилмоқликни идрок қилинади. Тўғри, танитувчи ва вожиб қилувчи Аллоҳ таолодир, лекин (буларни билиш, таниш ва вожибликни англаш) ақл воситаси билан бўлади. Чунончи, вожибликни танитувчи Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Ҳақиқий вожиб қилувчи эса Аллоҳ таоланинг ўзидир. Лекин бу Пайғамбар алайҳиссалом воситаси билан бўлди. Ҳатто Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ҳеч бир кимсага ўз Еру осмонларни яратган яратувчисини (ҳолиқини) билмасликка узр йўқ, деганлар. Агар пайғамбар юборилмаган

тақдирда ҳам халқ ўз Парвардигорини ўз ақллари ила танишлари вожиб бўларди.

Имом ал-Ашъарий раҳимахуллоҳ эса гарчи ақл айрим нарсаларнинг яхши-ёмонлигини идрок қила олса ҳам ҳеч нарсаси вожиб бўлмайди, ҳеч нарсаси тақлиф бўлмайди, деганлар. Бу фақатгина шариат билан бўлади, ақл билан эмас, деганлар. Имом ал-Ашъарий раҳимахуллоҳ фикрларича, тақлифга тааллуқли ҳукмларнинг барчаси эшитишга (бу борадаги шаръий ҳукми эшитишга) боғлиқ бўлади.

Имом ал-Мотуридий раҳимахуллоҳ айтдиларки, гоҳида бадбахт бахтли бўлади, гоҳ бахтли бадбахт бўлади. (Яъни, баъзан имонсиз имонли, имонли эса имонсиз бўлиши мумкин). Имом ал-Ашъарий раҳимахуллоҳ эса бахтлилик ва бахтсизликнинг (бу ҳаётда) эътибори йўқ, фақат умр сўнгида ва оқибатида эътибор қилинади, деганлар.

Мотуридийлар фикрларига кўра, куфрни афв қилиш жоиз эмас. Имом ал-Ашъарий раҳимахуллоҳ эса ақлга кўра бу жоиз, лекин нақлга (оят ва ҳадисга) кўра жоиз эмас, деганлар.

Имом ал-Мотуридий раҳимахуллоҳ айтдиларки, мўъминларнинг дўзахда абадий қолиши, кофирларнинг эса жаннатда доимий қолиши ақлга кўра ҳам, нақлга кўра ҳам жоиз бўлмайди. (Ашъарийлар фикрича, бу ақлга кўра жоиз бўлса ҳам, нақлда келмагани боис жоиз эмас).

Имом ал-Мотуридий раҳимахуллоҳ айтдиларки, исм ҳам, мусаммо (исмланган нарсаси) ҳам биттадир. Имом ал-Ашъарий раҳимахуллоҳ эса икковининг орасини ҳамда исмлаш орасини ажратадилар. Айрим олимлар уни учга тақсим қиладилар. Исм исмланганнинг айни ўзи; ундан ўзга; ўзи ҳам эмас, ўзга ҳам эмас, дейдилар. Иттифоқ шунгаки, исмлаш (номлаш) икковидан бошқадир. (Яъни, исм номланган нарсанинг ўзи ҳам эмас, ундан ўзга ҳам эмасдир). У “Исмланганга ном бердим”, деганга ўхшашдир.

Имом ал-Мотуридий раҳимахуллоҳ айтдики, пайғамбарликнинг шарти эркакликдир. Хотин киши эркак бўлиши жоиз бўлмайди. Имом ал-Ашъарий раҳимахуллоҳ эса пайғамбарликка эркак бўлиш шарт қилинмаган, аёл киши бўлишини ҳам инкор қилинмайди, деганлар.

Имом ал-Мотуридий раҳимахуллоҳ айтдики, банданинг феъли “касб” (ўзлашти-

рилган) деб аталади, “халқ” (ўзи яратган) деб аталмайди. Ҳақнинг феъли эса “халқ” (ўзи яратган) деб аталади, “касб” (ўзлаштирилган) деб аталмайди. Чунки, феъл икковини ҳам камраб олади. Имом ал-Ашъарий раҳимахуллоҳ эса феълни ҳақиқий вужудга келтиришдан иборат, дейдилар. Банданинг касби мажозан “феъл” дейилаверади. Қодирликнинг ўзига кўра уни “халқ” деб аташ жоиз бўлмайди, жоиз бўлмаган нарсани эса қодирликка боғлиқ касбдир, дейишади. (Демак, банда ўз феълини ўзи яратишга қодир эмас экан, уни ўзи яратган “халқ”и деб бўлмайди, уни Яратганнинг қодирлигига боғланган “касб” дейилади).

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи, таквийн сифати бор, у ҳар бир махулққа шомил сифатдир, дейди. Ал-Ашъарий бу номдаги сифат йўқлигини айтади.

Ашъарийлар иймон зиёда ва ноқис бўлади, дейдилар. Мотуридийлар иймон зиёда ва ноқис бўлмайди, дейдилар.

Бу тортишувларга уларнинг иймонни турлича тариф қилганлари сабаб бўлган. Иймон тасдиқ, иқрор ва амалдан иборат деганлар иймон зиёда ва ноқис бўлади, деган.

Иймон тасдиқ ва иқрордир деганлар, иймон зиёда ёки ноқис бўлмайди, лекин амал зиёда ва ноқис бўлади, деган.

Ашъарийлар қазо ва қадарни қуйидагича таърифлайдилар:

«Қазо – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан билишидир».

«Қадар – ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишидир».

Мотуридийлар қазо ва қадар лафзларини ўрнини алмаштирадилар.

Аллоҳ таолонинг боқийлик (доимо боқийлик) сифати зоида сифат эмаслиги, балки доимо бор бўлган сифати экани, Ашъарийлар боқийлик сифати Аллоҳнинг қўшимча зоида сифатларидан бўлиб, Унинг илмига тегишлидир, дейдилар.

Самъ (эшитиш), Басар (кўриш) ва шунга ўхшаш сифатлари Аллоҳнинг илмидан бошқа сифатларидан бўлиб, улар (инсонларникидек) аъзо эмас. Ашъарийлар бу сифатларини айни илмидир, дейдилар.

Бандаларнинг яхшилик ва ёмонликлари Аллоҳнинг амри ва қайтариғига далолат қил-

ган бўлиб, Унинг ҳикмати тақозосига кўрадир. Ашъарийлар амр ва қайтариққа далолат қилувчи эмас, дейдилар.

Аллоҳ таолонинг нафсий (ўзининг айнан) каломи эшитилмайди (Қуръон ўқилганда), балки унга далолат қилувчи нарса эшитилади. Имом Ашъарий ва у кишига эргашганлар айнан ўзи эшитилади, дейдилар. Нафсий калом деб Аллоҳ таоло азалда ҳеч қандай совт ва ҳарфсиз зикр қилган нарсасидир.

Нақлий далиллар (Қуръон ҳадис) ҳаммаси бир маънода бир неча йўللار ва шунга яқин далиллар орқали етиб келган бўлса, яқинни (аниқ ишончни) ифода этади.

Аллоҳнинг муҳаббати мактов маъносида бўлиб, мутлоқ ирода эмас, у тоат-ибодатга боғлиқ бўлиб, Аллоҳ тоат қилмаган кимсага муҳаббат қилмайди, лекин ирода қилиши мумкин.

Иститоъат (бир ишга қодирлик) икки қарама қарши (яхшилик ёмонлик) ишга унинг бадалини тўлаш эвазига кўра бўлади. Яъни икки ишга ҳам иститоъатни Аллоҳнинг Ўзи берувчи лекин яхшиликнинг мукофоти яхшилик, ёмонликнинг мукофоти эса, ёмонлик бўлади.

Банданинг ихтиёри Аллоҳ тарафидан яратилган нарсани амалга оширишда таъсири бордир. Банда аслида йўқ бўлган нарсани ўз ихтиёри билан яратувчи эмас.

Рисолат етиб бормаган, одамлардан алоҳида яшавчи кишининг иймони унга хабар етказганга тақлид ўларок бўлса-да, эътиборга лойиқдир.

Анбиёлар алайҳиссаломлар кичик гуноҳларни қасддан ва катта гуноҳларни ҳар қанақасини ҳоҳ қасддан бўлсин, ҳоҳ ноқасддан барчасидан маъсум (сақланган)дирлар.

Имоматликка ундан афзал киши бўла туриб, пастроқ одам тайинланиши дуруст бўлади.

Хуллас, бу икки тараф ораларидаги фарқни Камолиддин Баёзий Ҳанафий элликтагача санаб ўтганлар. Бу фарқларнинг барчаси жузий, яъни фаръий масалаларда бўлиб, барчалари аслий масалада бирдирлар ва Аллоҳнинг сифатларини ҳам сониди бир бўлиб, лекин уларни бир-бирига қўшишда фарқлидирлар. Шунинг учун баъзи олимлар бу фарқларни ўн беш ёки ўттизгача санаганларки, Баёзий каби ҳар бирини алоҳида баён қилмаганлар. Шу жиҳатдан Баёзий ҳазратларининг таърифи эътиборли ҳисобланади.